



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Гуноҳ учун
узр сўрашдан
кўра, шу
гуноҳдан
тийилиш
оқилликка
яқин

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 6-may, payshanba, 53 (23.489)-son

Энди пенсия учун ҳужжат тўпламайсиз

Давлатимиз раҳбари шу йил 4 майда “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Унга кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси томонидан молиялаштирилмаган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни тўлаш ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ўтказиладиган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади.

2022 йил 1 июндан бошлаб:

давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стаж, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга чиқиш ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси (ЯММТ ИДАК)га киритиш хизмати жорий этилади; давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Пенсия тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.



«ИШГА МАРҲАМАТ»

**МОНОМАРКАЗИ
ОЧИЛДИ**

Самарқанд шаҳрида “Ишга марҳамат” мономаркази очилди. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган собиқ коллеж биноси қайта реконструкция қилиниб, марказга айлантирилди. Марказ қуввати 1650 ўринли: унда ўқув хоналари, фаоллар зали ва 60 ўринли аёллар ётоқхонаси мавжуд.

– “Ишга марҳамат” мономаркази Бандликка кўмаклашиш давлат жағфармасидан ажратилган 10,5 миллиард сўм эвазига халқаро андазалар асосида қайта реконструкция қилинди, – деди марказ очилишида иштирок этган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов. – Самарқанд вилояти ёшлари ўқиб, касб-хунар эгаллаши учун тайёр ҳолатга келтирилди. Марказ жаҳон стандартлари талабидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланди. Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан марказнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш учун ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган 200 минг долларлик замо-

навий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Мономарказда ишсизлар 8 та хизмат кўрсатиш, 6 та техник, 3 та қишлоқ хўжалиги ва 2 та рақамли технология соҳасидаги касблар, бундан ташқари 3 та хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. Касбларнинг мураккаблик даражаси асосида ишлаб чиқиладиган ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчилар 2 ойдан 6 ойгача сабоқ олади.

Мономарказ битирувчиларига эгаллаган касбига бериладиган ва ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилган сертификат берилади. Бундан ташқари, WorldSkills стандартлари асосида баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчилар мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти билан таъминланади.

– Бу ерда сартарошлик касбини ўрганадиган, – деди пастдаргомлик Гулҳаё Элмуродова. – Шу пайтгача уй бекаси эдим. Марказда касблар бепул ўргатилар экан. Бирон сартарошга шогирд тушсам албатта, бу хунарни бепул

ўргатмайди. Шу томони менга жуда маъқул бўлди. – Автосервис хизмат курсида ўқиётган, – деди жомбойлик Шахзод Ҳакимов. – Марказ очилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эшитиб қолдим. Дарслар бошланганига 2 кун бўлди. Машғулотлар соат 9:00 дан 14:00 гача ўтилар экан.

Марказга нафақат Самарқанд шаҳри аҳолиси, балки Булунғур, Жомбой, Паст Даргом каби яқин туманлар ёшлари ҳам келиб ўқимокда. Шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган кам таъминланган оилаларнинг касб-хунар ўрганаётган аъзоларига стипендия берилади.

Мономарказда ишсиз фуқаролар мурожаати бўйича уларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, миграция хизмати, малакани баҳолаш каби хизматлар кўрсатилади.

Марказ очилиш маросимида жаҳон банкининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли иштирок этди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Ўсимлик ёғи нархи нега ошяпти?

Кейинги бир неча ойда мой ва шакар нархи бирмунча ошди. Хўш, нарх ошишига нима сабаб бўлди, ишлаб чиқаришда муаммо борми, импорт қисқардими ёки хомашё тақчиллиги юзага келдими?



Рақамларга қарайдиган бўлсак, жаҳон бозорига ўсимлик ёғи нархи йил давомида 86 фоизга, йил бошидан буён эса 21 фоизга қimmatлашган. Ўзбекистонда ўсимлик ёғи истеъмоли йилига 460 минг тонна ташкил этади ва унинг ярми импорт ҳисобига қопланади. Улар асосан Россия, Украина, Қозғистон ва бошқа МДҲ давлатларидан импорт қилинадиган маҳсулот ҳисобига ички истеъмол эҳтиёжи қопланади.

Кузатувларга кўра, ўсимлик ёғи нархи ўсиши 2020 йил сўнггида бошланган. Бунда асосан импорт қилинаётган ўсимлик ёғи қimmatлашгани боис бошқа мойларга ҳам таъсир кўрсатган. Аҳолининг истеъмол талаби ва бозордаги нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ортидан 1 майдан ўсимлик ёғи импортига қўшилган қиймат солиғи бекор қилинди. Яъни, ўсимлик ёғи, кунгабоқар, зигир ва соя уруғи импортига қўшилган қиймат солиғи бекор қилиниб, кунгабоқар ва пахта ёғи ҳамда уларнинг уруғларига экспорт божлари жорий этилади.

Хўш, маъқур тартибдан кейин ушбу маҳсулотларнинг нархида қанчалик ижобий ўзгаришлар бўлганлиги билан қизиқиб, “Сиеб дехқон бозори” масъулияти чекланган жамиятидаги улгуржи савдо масканларида бўлдик.

– Кейинги бир неча кунда шакарнинг нархи бироз тушди, – дейди Акмал исмли

сотувчи. – Аввал бир қоп шакарни 425 минг сўм сотган бўлсак, ҳозир 400 минг сўмдан сотяпмиз. Чунки биз улгуржи оладиган жойларда нархлар тушди. Ўсимлик ёғига келадиган бўлсак, бу маҳсулотда ҳам бироз нархлар пасайди, лекин кўп эмас. Масалан, аввал 70-75 минг сотилган 5 литрлик ўсимлик ёғи ҳозир 60-65 минг сўм сотилапти. 1 литр пахта ёғи 16-17 минг сўм ўрнига 15 минг сўмдан сотилмоқда. Нархи, сифатига қараб пахта ва ўсимлик ёғи 85-95 минг сўмгача сотилапти, аввал (5 литр) 105 минг сўм сотилган ўсимлик ёғи бир неча кундан буён 100 мингдан сотувга чиқарилляпти. Аммо ҳозир ҳам Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулот (5 литр) 105-110 минг сўм, маҳаллий маҳсулот эса пахта ёғи (5 литр) 82-83 минг сўмгача, кунгабоқар ёғи (5 литр) 98-105 минг сўмгача сотилмоқда. Аввало, қайси давлатда ишлаб чиқарилган бўлса ҳам сифати юқори маҳсулот қиммат. Юртимизга асосан Россия, Украина, Беларусь, Қозғистон давлатларидан хомашё кириб келиши ва маҳаллий корхоналар катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳисобига нархлар барқарор сақланарди. Ўтган йили бу давлатларда ҳам ҳосилдорлик яхши бўлмаганлиги туфайли хомашёда тақчиллик кузатиляпти. Ушбу маҳсулотлар импортига солиқ ва божхона энгилликлари

берилгани билан ўша давлатларнинг ўзида маҳсулот кам ва қиммат. Шу боис нархлар юқориликка қолмоқда. Ўз дўконим мисолида оладиган бўлсам аввал 5 литрлик қадокланган ўсимлик ва пахта ёғидан кунига 70-80 тагача сотган бўлсам, ҳозир кунига 20-25 литр маҳсулот сотяпмиз.

Вилоят божхона бошқармаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 4 ойида вилоятимизга 21 тонна ўсимлик ёғи импорт қилиниб, савдога чиқарилган. Вилоятимиздаги учта ишлаб чиқарувчи корхона томонидан 8213 тонна хомашё импорт қилинган.

26 апрель – 2 май кунлари “Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг барча савдо платформаларида 1 817,4 миллиард сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 10,7 фоизга кўндр. Ўтган ҳафтада биржа савдоларига 8 047,0 тонна пахта ёғи қўйилган бўлса, шундан 6 902,0 тонна, яъни 85,8 фоиз ҳажмдаги пахта ёғи сотилган. Электрон савдоларда иштирок этган харидорларнинг ўртача қунлик сони 130 кишини ташкил қилди.

Ушбу даврда барча навли пахта ёғининг қунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 15 004,1 минг сўмдан 17 228,7 минг сўмгача, яъни 14,8 фоизга кўтарилди. Ҳафта якунларига кўра, 1-навли пахта ёғининг ҳафталик котировкаси маҳсулотнинг бир тоннаси учун 16 310,3 минг сўмни ташкил этди.

Кунгабоқар хомашёси асосан четдан импорт қилинган туфайли нархи қиммат. Нега ўзимизнинг чигитдан тайёрланадиган пахта ёғининг ҳам нархи баландликка қолмоқда?

Ёғ нархлари бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси таҳлилий ўрганишлар олиб бормоқда. Тез кунларда хулосалар якунланганда вилоятимизда эҳтиёж, ишлаб чиқарувчилар ва асосийси, ёғ нархининг арзонлашганлиги ҳақидаги хабарлардан умидвор бўлиб қоламиз.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

«Кун мавзуси»

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Илҳомжон Тўхтасинов бошчилигидаги жамоа Нуробод тумани Эйриғул қишлоғида яшовчи 100 ёшни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмон ота Абиловнинг хонадониди бўлди. Институт жамоаси отахоннинг ҳолидан хабар олиб, у билан дилдан суҳбатлашди.



Институт жамоаси 100 ёшли собиқ жангчи хонадониди бўлди

– Мен 1941 йилда Ленинград ҳимояси учун урушга кетдим, – дейди Раҳмон ота. – Ўшанда 19 ёшли ўспирин эдим. Ленинград остонасидаги жонларда пулемётчи бўлдим. Ота-онанинг дуолари сабаб Аллоҳ мени дайди ўқлардан асради. Уруш тугагунга қадар ҳарбий хизматда бўлдим ва 1945 йилда юртимга қайтиб келдим.

Отахон урушдан қайтгач,

қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб борди. Кейинроқ ўзи туғилиб ўсган Эйриғул қишлоғидаги мактабда бошлангич синф ўқитувчиси сифатида болаларга таълим берди. Ўша пайтлар мактабда 10 ёшдаги бола ҳам, 8-7 ёшдаги бола ҳам битта синфхонада таҳсил олган.

Йиллар ўтгач, Раҳмон отанинг ташаббуси билан қишлоқ мактаби катта қилиб қурилади. Ҳозирда

ушбу 9-умумий ўрта таълим мактаби 11 йиллик мактаб сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Раҳмон отанинг 4 ўғил, 4 қизи, 50 нафар невараси ҳамда 100 дан ортиқ чевараси бор. Фарзандлари эътиборини қарилган гаштини сураётган отахонга институт жамоаси эсдалик совғалари топширди ва Раҳмон отанинг дуосини олди.

Асилбек АБДУРАИМОВ.

Қаламимиз ёзишдан тўхтамасин!

Қисматига айланган семимлик касбим – журналистика соҳасидаги қарийб 20 йиллик фаолиятимда турли инсонлар билан суҳбатлашдим.



Айниқса, давлат мукофоти билан тақдирланган замондошларимиздан интервью олганимда уларнинг хаяжони, қувончи юз кўзларида акс этарди. Бугун ўзим шундай хаяжонданман. Ҳар бир журналист олишни орзу қиладиган “Олтин қалам” миллий мукофоти халқаро танловда голиблар сафиди эканлигимдан беҳад мамнун бўлдим. Телевидение йўналишида 2-ўрин соҳиби бўлдим.

Журналист бир ўзи тоғни талқон қила олмайди. Жамоа билан ҳамнафас, ҳамфирқ бўлиб ишлаган фаолиятимизнинг натижаси бесамар кетмади. Мени қўллаб-қувватлаган Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг раҳбарияти, устозлар, ижодий ва техник ходимларига раҳмат. Бу юксак мукофот Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясига берилган эътироф, ишонч. Ишонччи оқлаб, масъулиятни икки қарра оширишга чорлов бўлди.

Қаламимиз оддийми, олтинми, биллурми, муҳими, адолат ва ҳақиқатни ёзишдан тўхтамасин!

Тўхташот (Умида) МАМАДАЛИЕВА,
вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири.

Бугун аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи дунё миқёсида глобал муаммолардан бирига айланди. Маълумотларга кўра, айни пайтда сайёрамизда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Кўп давлатларда аҳоли сони ва эҳтиёжи ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмига тўғри келмайди. Бунинг устига бугунга келиб, табиий маҳсулотлар ўрнини сунъий озиқ-овқатлар кўпроқ эгалламоқда.

ГЎШТ АРЗОН БЎЛАДИМИ –

бу кимга ёки нимага боғлиқ?

Хўш, гўшт масаласида-чи? Нега бу маҳсулот нархини бозорнинг ўз қонуниятлари билан эмас, ташқи аралашув билан ушлаб туришга ҳаракат қиляпти? Аммо бу қўтилган самарани бермаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодчилар ва соҳа вакиллари айтишича, бошқа давлатларда ҳам гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархи арзон эмас ва импорт орқали муаммони ҳал этиш қийин. Дунё бўйича гўшт маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж юқори. Муаммога ечим топишнинг энг мақбул чораси ўзимизда бор ресурслардан фойдаланиш.

РЕЖАЛАР КАТТА, ГАП УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА

Самарқанд – юртимизнинг аҳолиси энг кўп вилоятлардан бири. Йил сайин аҳоли сони ҳам, озиқ-овқатга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Ҳудудда сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва бошқа мевалар керагидан ортиқча етиштирилади. Тухум ва парранда гўштини ҳам четдан келтиришга ҳолат йўқ. Фақатгина, шакар, ўсимлик ёғи, гўшт ва яна айрим маҳсулотларни республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ёки хориждан келтириш керак.

Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси маълумотларига кўра, вилоят аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қониқдириш учун жорий йил ва яқин йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган.

– Биргина, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида чорвачилик тармоқларида умумий қиймати 350 миллиард сўмлик 50 та лойиҳа ишга туширилади, – дейди бошқарма бошлиғи

Э.Тошмуродов. – Яъни, чорвачилик соҳаси ривожланган Германия, Австрия, Нидерландия, Польша, Венгрия каби давлатлардан 7 минг бош юқори маҳсулдор насли қорамоллар ҳамда 5 минг бош зотдор қўй ва эчкилар олиб келинади. Чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 11,4 минг гектар асосий экин майдонларида, шунингдек, ғалладан бўшайдиган 28 минг гектар ерда такрорий экин сифатида юқори ҳосилдор экинлар экилади. 1 октябрга қадар бўрдоқчилик йўналишида янгидан 5 та (ҳар бири 300-500 бош қорамолга эга) янги лойиҳа ишга туширилади.

Булунғур туманида “Samarqand KZT milk company” масъулияти чекланган жамияти томонидан агросаноат кластери ташкил этилиб, 5400 бош қорамол боқибчи мўлжалланган йирик сутчилик ва бўрдоқчилик комплекси фаолияти йўлга қўйилди.

Вилоятда фермер хўжаликлари ва аҳолига насли чорва молларини етказиб беришни кўпайтириш мақсадида вилоятдаги чорвачилик наслчилик хўжаликлари сони 165 тага етказилди. Улар томонидан аҳоли хонадонларига 3,5 минг бош насли қорамол етказиб бериш режалаштирилган. Маҳаллалар кесимида соҳани янада ривожлантириш учун “хонадонбай” ишлаш тизими жорий этилади. Бунинг учун вилоятдаги барча маҳаллаларга 570 нафар ветеринар мутахассислар бириктирилди. Улар ёрдамида аҳоли хонадонларидаги 360 минг бош сигирлар сунъий уруғлантирилади ва йил якунига қадар зоти яхшиланган қорамоллар сони 800 минг бошдан оширилиб, 52 фоизга етказилди.

Бўрдоқчилик ва сутчилик йўналишидаги

чорвачилик кластерини ташкил этиш учун 25 миллион евро тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилади. Йил якунига бориб вилоятда қорамоллар сони 1 миллион 667 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 2,6 миллион бошга етказилади, 1 миллион 350 минг тонна сут, 315,3 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилади. Ана шундангина вилоят аҳолиси эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот тайёрлашга эришилади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тармоқ аҳолини парҳез гўшт ҳамда тухум маҳсулотлари билан таъминлашда катта имкониятга эга. Кейинги йилларда ушбу йўналишни янада ривожлантиришга қаратилган эътибор натижа-сида бугун маҳаллаларимизда хонадон шароитида паррандачилик билан шўғулланиб, оиланинг тухум ва парҳез гўштга бўлган эҳтиёжини қониқдириш ва шу орқали даромад топаётган оилалар кўпаймоқда. Шунингдек, вилоятда ҳар йили ўнлаб йирик паррандачилик корхоналари ташкил этилмоқда. Бу йил ҳам 182 миллиард сўмлик 27 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган ва бу борада амалий ишлар олиб борилмақда.

Жумладан, жорий йил якунига қадар “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Паррандасаноат” уюшмаси ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ёрдамида “Навобод насли парранда” масъулияти чекланган жамиятига 300 минг бош насли парранда боқибчи мўлжалланган лойиҳа ишга туширилади. Ушбу лойиҳада нафақат парранда боқибчи, балки унинг бутун жараёнини қамраб оладиган тизим жорий этилади. Бунинг натижасида йилига 30 миллион дона тухум, 20 минг тоннадан ортиқ парранда озукаси ишлаб чиқарилади.

АСОСИЙ ТАЛАБ – ЧОРВА НАСЛИНИ ЯНГИЛАШ

Нуробод тумани асосан чорвачиликка ихтисослашган. Бугунги кунда туманда чорвачилик соҳасида 122 фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ихтиёрида 3346 бош йирик шохли, 123 минг бош майда шохли қорамол, 742 бош от ва туя мавжуд.

– Туманда чорвачиликни янада ривожлантириш ҳамда чорва мол бош сони кўпайтириш мақсадида жорий йилда 13 нафар ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 85,9 миллиард сўмлик чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган, – дейди Нуробод тумани

хокимининг ўринбосари А.Дўстмуродов. – Хусусан, йилнинг биринчи чорагида “NUROBOD OLTIIN ASR CHORVASI” масъулияти чекланган жамияти Германиянинг “Livestock GmbH” компаниясидан 131 бош насли қора моллар олиб келиб парварилаяпти. Қўйчилик бўйича 5 та лойиҳа ташаббускори 2900 бош майда шохли мол олиб келиш ҳаракатида. Ҳозиргача “Чорвачилик фаҳрим” МЧЖ томонидан 952 бош ва “Нурли бўстон томорқа хизмати” МЧЖ томонидан 1000 бош насли майда шохли моллар Қозғоғистон Республикасидан олиб келинди.

Биз йиллар давомида маҳаллий зотли қорамолларни парвариллаб, шу билан чекланганмиз. Лекин бугун насли янгиламас, зотдор моллар сонини кўпайтирмас эканмиз, бу тармоқдан оладиган фойдамиз ҳам, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам қўтилганидек бўлмайди. Буни аҳолига ҳам тушунтириб, хориждан келтирилаётган насли молларни харид қилиб, кўпайтиришга даъват этилмоқда.

“БИР КИЛО ГЎШТ ПУЛИГА 60 ДОНА ТУХУМ”

“Бу қўшимнинг гапи. Кеча супермаркетда гўштининг нархини кўриб, бир кило мол гўшти ўрнига 60 та тухум олишни афзал билибди. Тўғри, ҳозир кўпчилик нархни солиштириб, гўшт ёки ўсимлик ёғи ўрнида бошқа маҳсулот олишга интиляпти. Бир парча эт учун фалон сўм пул тўлашга ҳар кимнинг кўзи қиймайди-да. Лекин инсон учун, соғлом овқатланиш учун ҳар бир маҳсулотнинг ўз ўрни, аҳамияти бор.”

Хуллас, муаммо ва масалалар бир-бирига боғлиқ. Уларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар белгиланаётгани, лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани ҳам кўряпмиз, эшитяпмиз. Қанчони, бу режалар бажарилса, лойиҳалар амалга ошса, озиқ-овқат хавфсизлиги амалда таъминланади, нархи қимматлиги учун бир маҳсулот ўрнига бошқасини харид қилмаймиз. **Ғолиб ҲАСАНОВ.**

Бугун республикамизда талабаларнинг турар жой билан таъминланиши муаммога айланган. Олий таълим муассасалари тасарруфидаги ётоқхоналарнинг кам ўринли ёки умуман йўқлиги талабаларни ижарада яшашга мажбур қилмоқда.

Самарқандда қанча талаба ижарада яшайди?



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2021 йил 26 февралдаги топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 5 мартдаги “Олий ва профессионал таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларининг яшаш учун қўлай шароитлар яратиш чораларини кўриш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанддаги олий таълим муассасалари раҳбарлари қандай ишларни амалга оширди?

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ушбу буйруққа асосан институт талабаларининг турар жойларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тuzди. Ишчи гуруҳ томонидан икки ҳафта мобайнида талабаларнинг яшаш шароитлари ва ижара хонадонларининг ҳолати қизил (огир шароит), сариқ (ўрта шароит) ва яшил (яхши шароит) тоифаларга ажратилган ҳолатда ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, институт талабалари Самарқанд шаҳрида жойлашган 176 та маҳалла, 739 та хонадонда ижарада туриши аниқланди. Ўрганилган 739 та хонадоннинг 312 таси яшил, 378 таси сариқ ва 49 таси қизил тоифага кириши аниқланди.

Қизил ва сариқ тоифадаги ижара хонадонларида яшовчи талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги маҳаллалар, кўчмас мулк агентликлари, прокуратура инспекторлари, ижара хонадон эгалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва 2021 йил 15 апрель ҳолати бўйича

қизил тоифага киритилган хонадонларда яшовчи талабаларнинг барчаси яшил тоифадаги ижара хонадонларига ўтказилди.

Шунингдек, 2021 йил 13 апрель кунини маълуматимиз Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселекторда давлат раҳбари 2021 йил 1 майдан бошлаб талабаларга ижара тўловининг ярми давлат томонидан қоплаб берилишини таъкидлаган эди.

Ҳозирги кунда ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида талабаларнинг ижара хонадонлари тўловининг 50 фоизини тўлаб бериш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ҳамда фаол ва алоҳида ўрнатилган ижарада турувчи талабалар рўйхати шакллантирилмоқда.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида 7803 нафар бакалавр ва магистрантлар тахсил олмақда. Талабаларнинг 638 нафари институт талабалар турар жойида яшайди, 1979 нафари институт атрофидаги маҳаллаларда ижарада истиқомат қилади.

Шунингдек, 5186 нафар талаба (4598 нафар бакалавр ҳамда 588 нафар магистрант) уйдан қатнаб ўқийди.

Шу кунгача ижарада турувчи 735 нафар талабанинг яшаш шароити ўрганиб чиқилди. Жумладан, институтда тахсил олувчи қизил ҳудудда яшовчи 80 нафар талабанинг 30 нафари, сариқ ҳудудда яшовчи 822 нафар талабанинг 370 нафари, яшил ҳудудда яшовчи 1145 нафар талабанинг 335 нафарининг шароити ўрганилди.

Қизил ва сариқ ҳудуддаги талабаларнинг шароитини яхшилаш мақсадида институтга тегишли 200 ўринли таъмирталаб талабалар турар жойи жорий йилнинг ноябрь ойига қадар тўлиқ мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилди. Шунингдек, институтда давлат-хусусий шерикчилик асосида 600 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи биносини қуриш ва 2022 йилнинг апрель ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида кундузги таълим йўналишида жами 5232 нафар талаба тахсил олмақда. Уларнинг 828 нафари талабалар турар жойида, 1370 нафари ижарада, 423 нафари яқин қариндошиникида, 2611 нафари ўз уйда истиқомат қилади.

Талабаларнинг 659 нафари яшил ҳудудда, 711 нафари сариқ ҳудудда яшайди. Яшаш шароити ёмон бўлган ижара хонадонлари аниқланмаган.

Яшаш шароити огир бўлган ижарада яшовчи талабалардан 10 дан зиёديга гуруҳ мураббийлари томонидан ёрдам берилди. 9 нафарига эса талабалар турар жойидан жой ажратилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабалари Самарқанд шаҳрида жойлашган 149 та хонадонда ижарада туриши аниқланди. Ўрганилган 149 та хонадоннинг 77 таси яшил, 66 таси сариқ ва 6 таси қизил тоифаларга кириши аниқланди.

Ўрганиш натижасида қизил тоифага киритилган хонадонларда яшовчи талабаларнинг барчаси яшил тоифадаги ижара хонадонларига ўтказилди.

Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида 386 нафар талаба тахсил олади. Филиалда ётоқхона йўқлиги сабабли талабаларнинг 318 нафари 58 та хонадонда ижарада яшайди. Ижара хонадонларда яшовчи талабаларнинг гуруҳлар кесимида яшаш манзиллари рўйхати шакллантирилди. Талабаларнинг яшаш шароити ўрганилди. Ўрганишлардан сўнг 44 та ижара хонадон яшил, 9 таси сариқ ва 5 таси қизил гуруҳга ажратилди.

Ижарада яшовчи талабалар турар жойини ўрганиш юзасидан **Самарқанд давлат университети, Самарқанд давлат тиббий институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали**дан маълумот тақдим этилмади.

Сайёҳлик корхоналарига

жорий йилда ҳам солиқ имтиёзлари қўлланилади

Пандемия даврида тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш ва кейинчалик ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириши учун солиқ преференциялари берилди.



Жумладан, вилоятимиздаги 26 минг 596 та микрофирма, кичик корхонадан ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга камайтирилган ҳолда солиқ ҳисоботлари қабул қилинди ва 2020 йилнинг 1 майдан 31 декабргача 75,6 миллиард сўм маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пайасирилди. Вилоят бўйича 8275 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга

камайтирилган ҳолда солиқ ҳисоботлари қабул қилинди ва 28,7 миллиард сўм маблағ хўжалиқларда қолдирилди. 3025 та хўжалик юртувчи субъектнинг 236,4 миллион сўмлик (2020 йил 15 май ҳолатига) ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳисоб бўлган пеня ва жарималари ҳисобдан чиқарилди.

Вилоят бўйича ер солиғи тўловчи 1915 та ва мол-мулк солиғи тўловчи 4 100 та микрофирма ва кичик корхоналарга мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод қилинган ҳолда солиқ ҳисоботлари қабул қилинди. 2020 йилнинг 1 майдан 31 декабргача жами 26,9 миллиард сўм маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилди.

Албатта, пандемия туфайли энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири туризм соҳаси бўлди. Шу боис, туризм соҳасида фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектларига 2021 йилда ҳам давлат томонидан солиқ имтиёзлари берилди.

Президентимизнинг жорий йил 9 февралда “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонга асосан туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасининг белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилиши, туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи субъектлар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинган. Улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни камайтирилган ставка соди – 1 фоиз миқдоридан ҳисоблаш белгиланган.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати.

Янги ип йигирув цехи, 350 та иш ўрни

Наврўз байрами арафасида Нарпай тумани маркази Оқтош шаҳридаги солиқ “Зира-булоқ” тажриба-саноат заводи ҳудудида “Мароқанд сифат” масъулияти чекланган жамияти томонидан ип-йигирув цехи ишга туширилган. Фабрика биносини қуриш ва ускуналар билан жиҳозлаш учун 55 миллиард сўм маблағ сарфланди.



– Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида бир кунда 15 тонна ип-калава тайёрланмоқда, – дейди цех иш юритувчиси Фирдавс Жумаев. – Фабрикада 350 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар уч набатда фаолият олиб борапти. Маҳсулотимиз ҳозирча ички бозорга сотилаётган бўлса, келгусида четга экспорт қилиш режими ҳам бор. Шу кунларда Покистон, Эрон, Туркия ва Тожикистон давлатлари билан шартномалар имзоланяпти.

Цехга, асосан, тумандаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган фуқаролар ишга жойлаштирилди.

– Ўзим ҳам, турмуш ўртоғим ҳам ишсиз эдик, – дейди корхона лаборанти Мадина Чоршамова. – Шу фабрика ишга тушгач, иккимиз ҳам ишли бўлдик. Бир кунда 8 соат ишлаймиз. Ҳар бир набатда бир маҳалдан иссиқ овқат берилади. Ойлик ҳам яхши. Келгусида корхонада йигирилаётган ип-калавадан шу ернинг ўзида мато тайёрлаш йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото)

Шундай одамлар бўладики, улар ўзларининг фидокорона меҳнати, яхшиликлари, муомаласи билан кишилар орасида, жамоада, маҳаллада яхши ном қолдиради. Дунёдан ўтса-да, қилган эзгу ишлари билан жамоасида, одамлар орасида доим яхши ном билан эсланади.

Ҳамон қалбимиз тўрида

Биз ҳикоя қилаётган инсон Улуғмурод ака Хожаяев ҳам ана шундай қалби дарё инсон эди. 1944 йилда Паст Дарғом туманидаги Меваки кишлоғида туғилган Улуғмурод ака ўрта мактабни тугаллаб, Самарқанд педагогика билим юртининг жисмоний тарбия йўналишида тахсил олди. Илк иш фаолиятини Жума шаҳридаги болалар спорт мактабиде мураббийликдан бошлади. Сўнгра шу мактабнинг илмий бўлим мудири бўлиб фаолият юритди.



Йилда туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси директорлигига тавсия этди. Ушбу лавозимдаги беш йилдан ортқ давр мобайнидаги фаолиятида туманда аҳолига маиший хизмат турларини кенгайтиришга, маҳалла ва кишлоқларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ташкил этилишида бор тажрибасини қўллади. Паст Дарғом туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмасининг бош муҳандиси лавозимида фаолият кўрсатганида ҳам бу эзгу ишларини давом эттирди.

Бу муассасадаги 10 йиллик фаолияти давомида минглаб ёш спортчиларни тарбиялади, уларнинг республикамизнинг нуфузли спорт мусобақаларида иштирокини таъминлади. 1975 йил ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлади.

Кейинчалик собиқ Ғўзалкент тумани ижрокўми ҳузуридаги спорт кўмитасининг раиси лавозимида ишлаб, ўзининг ишбилармонлик, ташкилотчилик фахрлари билан ҳудудда спорт турларини кенгайтириш, спорт майдончалари ва турли мусобақалар ташкил этиш ҳамда ёшларни катта спорт ареналарида қатнашишларида жонбозлик кўрсатди.

Туман раҳбарияти Улуғмурод аканинг ташкилотчилиги қобилиятини эътиборга олиб, 1983

У.Хожаяевнинг туманда ва вилоятда катта эътиборга лойиқ инсон сифатида танилиши, обрў-эътиборининг ошишига турмуш ўртоғи, раҳматли Фотима опанинг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. Фотима опа ўта фаросатли бека, дидли аёл эдиларки, ушбу хонадоннинг тузини еган ёру-дўстлар, қариндошлар бугун ҳам у киши ҳақида илиқ гапларни айтади.

Улуғмурод Хожаяев Фотима опа билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Бугунги кунда улар турли соҳаларда баракали фаолият кўрсатмоқда. Минглаб шогирдлари эса турли идора, муассасаларда ишлаб, Улуғмурод аканинг ишини давом эттирмоқда, спортни ривожлантиришга хисса қўшмоқдалар.

Бахтиёр МАМАЮСПОВ.

Дарёдил инсон эди

Орадан қанча йиллар ўтмасин, отам сиймоси кўз ўнгимдан кетмайди. Хокисор, меҳрибон, фронтдан ногирон бўлиб қайтган бўлса-да, уруш туфайли издан чиққан хўжаликни тиклашда, эзилган, қадди букик, қалби ҳасратга тўла кишлоқдошларини яна оёққа турғазинида жонбозлик кўрсатди. Эсласам шундай инсоннинг фарзанди бўлганимдан қалбим фаҳрга тўлади.

1916 йилда Пайариқ туманининг Чим кишлоғида туғилган отам Исоқул Мустафоевнинг ҳаёти болалигидан оғир ва машаққатли кечди. 2 ёшида онасидан ажралди, 10 ёшида яна бошига қулфат тушди: отаси кўр бўлиб қолди. Рўзғор юритиш машаққати унинг зиммасига тушди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида халқни мажбурлаб жамоалаштириш сиёсати, элимизнинг асл фарзандлари қатагон қилиниши, энди одамлар эркин нафас ола бошлагач, бошланган уруш... Буларга гувоҳ бўлган отам оғир ҳафатнинг барча қийинчиликларини бошдан кечирди.


1933 йилда Будёний номи жамоа хўжалиги тузилади. Собиқ шўро давлатининг бахтли келажак ҳақидаги ёлғон ваздалари қурбони бўлган тенгдошлари қатори отам ҳам 18 ёшида ёшлар сафига қабул қилинади ва янги ташкилотнинг котиблигига сайланади. Аммо тинч, бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш насиб этмайди.

1939 йилда армия сафиде хизмат қилган пайтида Финляндия уруши бошлана-

ди. Белоруссияда отлик артиллериячилар сафиде финларга қарши урушга кириб, оёғидан ярадор бўлади. Санкт-Петербургдаги госпиталда уч ой даволаниб, яна сафга қайтади. Кўп ўтмай иккинчи жаҳон уруши бошланади. Отам уруш йилларида Шимолий Кавказда, Эронда жанговар ҳаракатларда фаол иштирок этади. 1946 йилда кўксини орден ва медалларга тўлдириб, соғ-омон кишлоғи – Чимга қайтиб келади.

Уруш бу ерда ҳам ўзининг оғир асоратини қолдирганди. Ҳамма мотамсаро, уруш қурбони ёки ногирони бўлмаган оила йўқ. Беш-ўн та қария ва болаларни ҳисобга олмаганда, аҳоли афтода, оч-юпун, йиртик-ямоқли муштираб аёллардан иборат эди.

Мана шундай аянчли даврда отам қандай бўлмасин кишлоқдошлари қайғусига шерик бўлиш, оғирини енгил қилишга бел боғлади. Қурилиш бригадаси ташкил этиб, уй-жойларни таъмирлашга бош-қош бўлди. Кейинчалик бош ҳосилот, лартоқ, сўнгра 14 йил давомида жамоа хўжалиги раиси бўлиб, уруш асоратларини тугатиш, одамлар турмушини



яхшилаш, меҳнат шароитларини яратишни йўлга қўйди.

Йиллар ўтиб, мудҳиш уруш ўз асоратини кўрсатди: оёғига теккан мина парчаси туфайли 50 ёшида отам уйда ўтириб қолди. Бирок кишлоқдошларининг қувончу ташвишларидан айро тушмади, улардан маслаҳатини аямади. Қишлоқ йўлларини созлаш, хўжаликка электр, газ олиб келиш, эски тарқоқ уйлар ўрнига қўрғон типидеги янги замонавий турар жойларни қуриш ишларига бошчилик қилди.

Саккиз фарзандни эл-юртга муносиб қилиб тарбиялаган отам 72 ёшида бу дунёни тарк этди. Аммо бутун ҳаётини эл-юрт ишига бағишлаган отамнинг порлоқ хотираси биз фарзандлари, кишлоқдошлари қалбиде яшамокда.

Олламурод ИСАҚУЛОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbor / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Майдони (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Манзили
1	Пахтачи тумани ХТБга қарашли 22-умумий ўрта таълим мактаби	80	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Пахтачи тумани Амир Темур МФЙ
2	Каттақўрғон тумани 3-касб-хунар мактаби	52	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Каттақўрғон тумани Номозполвон МФЙ, Абдулла Қодирий кўчаси
3	Паст Дарғом тумани Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми	300	Ўқув маркази	Паст Дарғом тумани Олмазор МФЙ
4	Паст Дарғом тумани Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми	600	Болалар умумтаълим мактаблари	Паст Дарғом тумани Олмазор МФЙ
5	Ургут тумани ХТБга қарашли 66-умумий ўрта таълим мактаби	40	Чакана савдо	Ургут тумани Испанза МФЙ
6	Пайариқ тиббиёт коллежи	184	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Пайариқ тумани Навоий МФЙ, Самарқанд кўчаси
7	Жомбой тумани тиббиёт бирлашмаси	18	Соғлиқни сақлаш (УЗИ)	Жомбой тумани Ш.Бурхонов кўчаси, 1-уй
Жами		1274		

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-“А” уй. **Тел/факс: 66-233-23-52.**

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини берил (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ “Кониғил агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги 222, 226 рақамли контурлардан жами 8,4 га. (шундан: 8 га. сувли, 0,2 га. ариқ ва зовурлар, 0,2 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2021 йил 15 майга қадар қабул қилинади.

Манзилмиз: Самарқанд тумани Гул-обод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Пайариқ туманидаги Челак «Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305177194) ўз устав фондини 1 554 278 650 (бир миллиард беш юз эллиқ тўрт миллион икки юз етмиш саккиз минг олти юз эллиқ) сўмдан 1 543 113 650 (бир миллиард беш юз қирқ уч миллион бир юз ўн уч минг олти юз эллиқ) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 55-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Таштанов Джурабайга (2020 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Каттақўрғон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ботиров Озод Комилжонович нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Зиддулло Тоштемуровичга (2014 йил 25 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ботиров Озод Комилжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 148-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Умиров Эшмирза Ибодуллаевичга (2020 йил 17 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Нематов Беғзод Рахмоновичга (2020 йил 6 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Абдуллаев Олимжан Эшпулатовичга (2020 йил 27 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Бабаев

Ашрафга (1985 йил 1 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Бақоев Ашраф Обидовичга (2005 йил 23 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд давлат тиббиёт институтини травматология ва ортопедия мутахассислиги бўйича 2012 йилда битирган Мелибаев Аббор Эргашевичга берилган рўйхат рақами 741 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Мухсинов Санжар Хафизович номига берилган У № 6901083 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Надирова Озода Махаммадовна номига берилган О'Р-А № 1741946 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Надирова Озода Махаммадовна номига берилган О'Р-З №

САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги раҳбарияти томонидан соҳага оид масалалар юзасидан жорий йилнинг 7 май куни соат 10:00 да Самарқанд шаҳрида жисмоний ва юридик шахс вакиллари билан сайёр қабул ўтказилади.

Ушбу сайёр қабулда кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр ҳужжатларини тайёрлашда давлат хизматлари учун тўловлар ҳамда аукцион орқали бўш ер участкалари сотиб олиш ва соҳага доир бошқа муаммолар ҳамда ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Сайёр қабулда қатнашиш истагида бўлган юридик ва жисмоний шахслар **2021 йил 7 май куни соат 10:00 да карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда** Самарқанд шаҳрида жойлашган Ватанпарвар боғига келишлари сўралади.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Ватанпарвар маҳалласи, Спитамен шоҳкўчаси. **Мўлжал:** “Мусо Хонкелди” савдо комплекси.

Телефонлар: 66-239-81-70, 95-508-81-50.

1248909 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 78-ўрта мактабдан 1992 йилда Каршиев Азиз Хасанович номига берилган А № 178050 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Файзиёва Насиба Мирзоевна номига берилган У № 1664320 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети 1-сон академик лицейидан 2009 йилда Муртазоева Назира Ибодуллаевна номига берилган рўйхат рақами 245, L № 061352 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидан 2007 йилда Хушназарова Дилноза Низомовна номига берилган рўйхат рақами 1902, В № 323021 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети академик лицейидан 2018 йилда Муродов Дилмурод Бахтиёрович номига берилган рўйхат рақами 413, L № 336619 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон шаҳар тиббиёт коллежидан 2018 йилда Хасанова Мохинур Сафар кизи номига берилган рўйхат рақами 255, К № 5580487 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабидан 1998 йилда Дустбаева Шодия Шавкатовна номига берилган О'Р-Д № 773584 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Ризаева (ҳозирда Раимова) Дилрабо Исроиловна номига берилган У № 2488984 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Раимов Ферузбек Рустамович номига берилган У № 2488987 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут миллий хунармандчилик касб-хунар коллежидан 2011 йилда Набиев Ислохон Илҳом ўғли номига берилган рўйхат рақами 252, К № 2095720 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежидан 2007 йилда Шодиев Анвар Бахтиёрович номига берилган рўйхат рақами 15190, К № 658549 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги “Исоқ бобо” фермер хўжалигининг (СТИР: 204635672) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Шарипов Нодиржон Латипович яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 461178488) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.





Гулум Ҳролов - 1961 йилда Булунғур туманининг Эрганакли маҳалласида таваллуд топган. Урнинг мазмунини "Булунғур ҳаёти" газетаси билан боғлаган ҳамкасбимиз ўзининг мулоҳазакор, долзарб мавзудаги мақолалари билан элга танилган. Унинг "Армонли дунё" номли китоби нашрдан чиққан. Ажойиб ижодкор, талабчан муҳаррирни муборак 60 ёши билан кутлаймиз.

ИБРАТ

Ҳаётим давомида жуда кўплаб меҳр-оқибат, вафо-садоқат ҳақида китоблар ўқиганман, кино-фильмлар томоша қилганман. Фаолиятимда ҳам кўплаб олийжанобликларнинг гувоҳи бўлганман. Лекин ўтган йилдаги икки воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Инсоннинг энг юксак бўлган бу фазилатлари балки кўпчилигимизга ибрат бўлармикан, дея қаламга олдим.

Биринчи воқеа. Тошкент шаҳрида яшаётган синглимнига меҳмонга борган эдим. Уй эгалари ишда экан, жианчалар мени кўриб хурсанд бўлишди. Хушмуомалалик билан дарров ичкарига бошлади. Жой ҳозирлаб, дастурхон ёзиб, чой олиб келишди. Хуллас, меҳмон иззатини жойига қўйишди. Кейин ижозат сўраб, мактабларига кетишди. Ёлғиз қолдим. Шукур, синглим фарзандларига ўзбекона урф-одатларни яхши ўргатибди, деб мамнун бўлдим. Телевизор томоша қилдим. Барибир шаҳарда иш бўлмагандан кейин тез зериқар экансан. Ҳали улар ишдан қачон қайтиша-

ди? Шундай паллада яқин бир ҳамроҳинг бўлса, ширин сўхбат қурсанг, вақт тез ўтади.

Шу чоғ ҳаёлимдагини билгандек эшик жириглади, очдим. 30-35 ёшлардаги, меҳнатдан қорайган юзюда самимийлик барқ уриб турган бир йигит экан. Уй эгасини сўради. Уйга таклиф қилсамда унамади. Келиш сабабини ўзи айтди. Кўёвмининг жиани экан, Булунғурдан, Оломон қишлоғидан. Сўхбатдош топилганидан хурсанд бўлиб кетдим. Қолаверса, мен ҳам булунғурликман. Қанчалик сўрамайин, ичкарига кирмади.

- Ташқарида машинада акам бор. У киши чиқа олмайди, андак мазалари йўқ. Тоғамдан бир дуо олайлик, деб келган эдик. Майли, ишхоналарини биламан, ўша ерда дуоларини оламиз.

Ноилож меҳмонни машиналаригача кузатиб қўйдим. Ҳақиқатан машина орқа ўриндиғида бир йигит кўрпага ўралиб ётарди. Мен билан оҳиста овозда, лекин самимий сўрашди. Кейин укасига чексиз меҳр билан тикилди. Касаллигидан хижо-

лат бўлиб, кейинги сафар албатта сўхбатлашишга ваъда берди.

Синглим ишдан келгандан кейин меҳмонлар ҳақида гапирдим, ким эканлигини суриштирдим.

- Кўёвмининг жиянлари, ота-оналари эрта вафот этиб кетган. Акаси анча вақтдан бери касал. Илоҳим, укаси барака топсин, акасини олиб бормаган жойи қолмади.

- Қанақа касал экан, - деб сўрадим.

- Акасининг иккала буйраги ҳам қуриб қолган. Ҳеч жойдан давосини топа олмади. Ўтган сафар Тошкентга даволатишга олиб келганида шифокорлар "Агар кимдир соғ буйрагини берса, бу касаллиқни Ҳиндистондагина жарроҳлик йўли билан даволаш мумкин", деб айтишди. Фақат бу жарроҳлик операциясига жуда кўп пул керак бўлар экан. Кичкина жиянимиз хотини билан четда ишлаб, озроқ даромад қилган эди. Шунинг ҳисобидан юк машинаси, трактор, уй сотиб олишган. Акаси учун ҳамма нарсаларини сотишди. Укасининг икки буйраги соғлом экан, буйрақларининг биттасини акаси учун берадиган бўлибди.

- Укасининг хотини ҳеч нарса демабдими, битта буйраги бор, касалманд эр билан яшаганга? Қолаверса, шунча йил йиққан бойлигининг кетишига норози бўлмайми? - дедим ҳайратимни яширолмай.

- Йўқ, қайтага етмаганига никоҳ узугини ҳам берибди. Акам соғайиб кетса бўлди, бизнинг бойлигимиз шу акам, дебди. Биз ҳам баҳоли қудрат ўзимизнинг ҳиссамизни қўшдик. Улар бугун Ҳиндистонга учиб кетишди, - деди синглим.

Ҳеч нарса дея олмадим. Фақат бир нарс ҳадеб томоғимга тикилади. Умридан барака топсин,

илоҳим соғайиб кетсин. Синглимга кўз ёшларимни кўрсатмаслик учун ташқарига чиқиб кетдим...

Иккинчи воқеа. Ўтган йили Рамазон кўни эди. Маҳалла раиси бўлиб ишлардим. Тушдан кейин маҳалла идорасига бир "Дамас" автомашинаси келиб тўхтади. Деразадан кўриб турибман, машинадан бир ёш йигит тушиб, тўғри ишхонага кириб келди. Танийман, маҳалламизнинг Болғоли қишлоғидан. Салом-алиқдан сўнг йигит келиш сабабини айтди.

- Раис бобо, битта маслаҳатингиз керак. Тўғри қилаямини, йўқми, билмайман. Лекин мен шунга қарор қилдим. Хабарингиз бор, бугун маҳаллада қанча қурбонлик маросимлари бўляпти. Мен ҳам қурбонлик қилишни ният қилган эдим. Одамларнинг қорни битта-иккита қурбонликдан кейин тўяди. Қанчадан-қанча овқатлар зое бўлади. Нима керак бунақа исрофгарчилик? Мен қурбонликка атаган маҳсулотларимни кам таъминланган оилаларга тарқатмоқчиман. Ахир, ночор, етим-есир, ногирон ва кам таъминланганларга ёрдам бериш ҳам савоб-ку, деб ўйладим. Шундай қилсам қурбонлигим қабул қилинармикан? - деди.

- Қурбонлигингиз қабул бўладими, йўқми, буни ёлғиз Аллоҳ билади. Қолаверса, бу саволингизни дин билимдонлари ечиб беришади. Менинг билганим, бу қилинаётган хайру-эхсонингиз жуда катта савоб бўлади. Қанча-қанча ночор оила аъзоларининг дуосини оласиз.

Биз ўша кўни бу олижаноб йигит билан "Дамас"га ортилган маҳсулотларни маҳалладаги ана шундай оилаларга тарқатиб чиқдик.

Гулум Ҳролов, журналист.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2004 йил, май

Ургут туманида "Sam-NUR-TAFIZ" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади.

Самарқанд шаҳрида "Umid Nabizoda" Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхонаси ташкил этилди.

Вилоятдаги 1185 та умумтаълим мактабининг 9-синфини 69 минг 678 нафар, 11-синфини 38 минг 822 нафар ўқувчи битирди.

июнь

Самарқанд шаҳрида бинокорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи "Bas-Tiffany" Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси иш бошлади.

Вилоят пиллакорлари эл хирмонида 1900 тоннадан зиёд саноат хомашёси етказиб берди.

Германиянинг "Фриденздорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Р.Гегенфуртнер бошчилигидаги немис шифокорлари Самарқандга келди.

22 июнь кўни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Пирматбой Ҳсаров Каттақўрғон тумани ҳокими этиб тайинланди.

июль

Вилоят ҳокимлигида Республика Бош вазири Ш.Мирзиёев раислигида қишлоқ ҳўжалиги юмушларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Вилоят ғаллакорлари давлат хирмонида 250 минг 927 тонна сифатли дон етказиб берди.

9 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, Мамаризо Нурмуратов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди.

Қувайт давлати вақф ва ислом ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

август

Самарқанд шаҳрида теннис бўйича "CHELLENJER" халқаро турнири ўтказилди.

сентябрь

Самарқанд давлат университети қошида компьютер технологиялари лицейи очилди.

Жомбой туманининг Полвонариқ қишлоғида 1-мактаб, Нуробод туманининг Саҳоба қишлоғида 54-мактабнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

9 МАЙ - ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ билан вилоятимиз ёшлари номидан табриқлаймиз.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси

Табаррук кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, қимматли маслаҳатларига амал қилиб, Ватанимиз ривожига ҳисса қўшиш асосий вазифамиз.

UZTELECOM
акциядорлик жамияти Самарқанд филиали

Барча ҳамюртларимизни

Хотира ва Қадрлаш кўни

билан қутлайди.

ЮРТИМИЗ ДОИМО ТИНЧ БЎЛСИН, ХОНАДОНИНГИЗДАН ҚУТ-БАРАКА, КЎНГИЛЛАРДАН ШОД-ХУРРАМЛИК АРИМАСИН, АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!